

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАМУТОВ БАХРАМ ХОЖАНИЯЗОВИЧ**

**ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНДА ЁПИҚ ИЛДИЗ ТИЗИМЛИ КЎЧАТЛАРДАН  
МАДАНИЙ ЎРМОН БАРПО ЭТИШНИНГ ЎРМОН-ЭКОЛОГИК  
АСОСЛАРИ (Ўзбекистон ҳудудида)**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш.  
Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

УЎТ: 630 (043.3) :630\*232.329.9:630\*232 (23)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of doctor (DSc) on agricultural sciences**

**Мамуртов Бахрам Хожаниязович**

Ғарбий Тянь-Шанда ёпиқ илдиз тизимли кўчатлардан маданий ўрмон барпо  
этишининг ўрмон-экологик асослари (Ўзбекистон худудида) .....3

**Мамуртов Бахрам Хожаниязович**

Лесоводственно-экологические основы создания лесных культур посадочным  
материалом с закрытой корневой системой в западном Тянь-Шане  
(На территории Узбекистана).....29

**Mamutov Bakhram Khojaniyazovich**

Silvicultural and ecological basics of creation of forest crops by planting material  
with a closed root system in the western Tien-Shan (On the territory of  
Uzbekistan) .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАМУТОВ БАХРАМ ХОЖАНИЯЗОВИЧ**

**ҒАРБИЙ ТЯНЬ-ШАНДА ЁПИҚ ИЛДИЗ ТИЗИМЛИ КЎЧАТЛАРДАН  
МАДАНИЙ ЎРМОН БАРПО ЭТИШНИНГ ЎРМОН-ЭКОЛОГИК  
АСОСЛАРИ (Ўзбекистон ҳудудида)**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни  
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо  
этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.3.DSc/Qx276 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бердиев Эркин Турдалиевич**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кайимов Абуҳалил**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Каримов Фарход Исамиддинович**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Мисирова Сурайё Абдумуталовна**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 23 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@vedu.uz](mailto:tuag-info@vedu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (551952-рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 11 декабрь куни таркатилди.  
(2024 йил 25 ноябрдаги 46-рақамли реестр баённомаси.)



*[Signature]*

**Ш.И.Асатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

*[Signature]*

**М.З.Холмуратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., доцент

*[Signature]*

**С.А.Юнусов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, бугунги кунга қадар дунё ўрмонларининг майдони 178 млн.га (охирги 200 йилда 2,0 баробарга) қисқарган бўлиб, бу Ливия давлатининг бутун ҳудудига тенг майдонни эгаллайди. “Ҳар йили 100 млн.га майдондан ортиқ ўрмонлар турли табиий офатлар, хусусан, ўрмон ёнғини, зарарли организмлар ҳамда ноқулай иқлим таъсирларидан жиддий зарар кўрмоқда”<sup>1</sup>. “Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон ўрмонлари кучли деградацияга учраган ўрмонлардир”<sup>2</sup>. Ушбу ўрмонларда дарахтзорларни қайта тиклаш ва тўлдириш ишларини такомиллаштириш масаласи долзарб бўлмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг бир қатор мамлакатларида, жумладан, Германия, Норвегия, Япония, Корея, Россия, Финляндия, Латвия, Канада, Хитой каби давлатларда ўрмон дарахт-бута кўчатларини замонавий ячейкали кассеталар, торфли брикетлар, торфли блоклар, гранулали капсулаларда етиштириш технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга кенг жорий этилиши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида, ишлаб чиқариш тармоқларида етиштирилаётган дарахт кўчатлар улушининг 65-70 фоизи ушбу технологияларга тўғри келиб, шу асосда ўрмон майдонларида экилаётган кўчатлар кўкарувчанлиги эса 80-85 фоизгача оширилмоқда.

Республикамизда дарахт кўчатларини интенсив усулларда етиштириш, кўпайтириш ҳамда лалми тоғ ва тоғолди шароитларида саноатбop плантацияларини барпо этиш бўйича кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари асосан ёнғоқмевали (писта, бодом, ёнғоқ) турларида олиб борилган. Лекин тоғ қияликларида асосий ўрмон ҳосил қилувчи игна ва япроқ баргли дарахтларнинг ёпиқ илдиз тизимли кўчатларини етиштириш технологияси ҳамда улар ёрдамида маданий ўрмон барпо этишнинг инновацион усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг 81-мақсадида «...Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш<sup>3</sup>» устувор вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шунга мувофиқ тоғ ва тоғолди ҳудудларида илмий ёндашувлар асосида дарахт кўчатларини етиштириш ва ўрмонлар майдонини кенгайтириш ечим талаб этиладиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023-йил 23-ноябрдаги ПФ-199-сон «Республикада яшиллик даражасини ошириш,

<sup>1</sup> Краткий обзор состояние лесов мира. Леса, биоразнообразие и люди. Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций (ООН), 2020 й.

<sup>2</sup> Восстановление лесных ландшафтов на Кавказе и в Центральной Азии. Вызовы и возможности. Справочный материал для заседания Круглого стола министров по восстановлению лесных ландшафтов на Кавказе и Центральной Азии (21-22 июня 2018 г, г. Астана).

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5841063>

«Яшил макон» умумиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020-йил 6-октябрдаги ПҚ-4850-сон «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Ўрмон дарахт кўчатларини замонавий ёпиқ илдиз тизимли контейнер идишларда етиштириш ҳамда турли географик ҳудудларда маданий ўрмонзорлар барпо этиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар жаҳоннинг бир қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Белоруссия давлат технология университети<sup>4</sup>, Финляндия ўрмон хўжалиги институти (Metla), Амалий фанлар университети (Тампере, Финляндия), Ўрмон селекция-уруғчилик маркази (Татаристон, Россия), В.Н.Сукачев номидаги ўрмон институти (Россия), National Institute of Forest Science (Корея), University of Wageningen (WUR, Норвегия), University of Agricultural Cultures (Швеция), Technische universitat Dresden (Германия), Chinese Academy of Forestry (Хитой), Forestry and Forest Product Research Institute (Япония), Forest Research Institute Malaysia (FRIM, Малайзия), А.Н.Букейхан номидаги Қозоғистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Ушбу ўтказилган тадқиқотлар натижасида “Ecorot”, “Enso” “Vapo”, “Panth”, “Piantek” “BSS” русумдаги контейнер идишларда ёпиқ илдиз тизимли ўрмон дарахт кўчатларини етиштириш технологиялари ишлаб чиқилган (Финляндия ўрмон хўжалиги институти, Forestry and Forest Product Research Institute, Япония); контейнер идишларни тўлдиришда мақбул озика субстрат таркиблари ишлаб чиқилган (Белоруссия давлат технология университети), турли ҳажмдаги контейнер идишларда ноёб дарахт кўчатларини уруғидан кўпайтириш усуллари ишлаб чиқилган (Ўрмон селекция-уруғчилик маркази (Татаристон); кассета ва йиғилмалари рулон ленталарда игна баргли дарахт кўчатларини етиштириш усуллари татбиқ этилган (Санкт-Петербург ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Россия)<sup>5</sup>.

Дунё ўрмон хўжалиги соҳасида кўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: дарахт-бута кўчатларини инкубатор блок ҳамда микро контейнерларда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ қатламларида тез эриш хусусиятига эга бўлган контейнер (брикет, брика) турларини яратиш, дарахт уруғларини махсус озикалар билан

<sup>4</sup> <https://belstu.by/>

<sup>5</sup> <https://spb-niilh.ru/>

гранулаланган капсулаларда ундириш усуллари ишлаб чиқиш, ноқулай иқлим шароитларда ёпиқ илдиз тизимли кўчатларнинг ташқи стресс омилларга ҳамда турли зарарли организмларга (касаллик ва зараркунандаларга) бардошлигини оширишда кўшимча озиклантирувчи биологик фаол моддалардан фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўрмон дарахт-бута кўчатларини ёпиқ илдиз тизимли контейнер идишларда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан маданий ўрмонзорлар барпо этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқотлар бир қатор олимлар, жумладан Россияда М.К.Буш, А.А.Бирцев, Бобушкина С.В.Воронин, А.А.Гомельский Ю.Н, Е.Л.Маслаков, Б.А.Мочалов, Е.В.Моисеева, А.В.Жигунов, А.Р.Тагиров, Е.И.Савич, Д.В. Ожевский, АҚШ ва Европа давлатларида эса E.Chirino, R.Rikala, M.Tsakaldemi, R.Wright, T.Yager, A.Laiche, M. Sarvas ва бошқалар томонидан олиб борилган. Натижада, ушбу олимлар томонидан ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини етиштиришда контейнерларнинг 100 дан ортиқ ҳар хил турлари ҳамда улар ёрдамида ўрмон барпо этишнинг янги технологиялари ишлаб чиқилиб, ишлаб чиқариш амалиётида уларни кенг жорий этиш орқали кўчат етиштириш ҳажми 2-3 баробаргача (йилига 2-3 ротациягача) кўпайтирилиб, турли ўрмон ерларида экилган кўчатларнинг кўкарувчанлиги эса 85-90% гача оширилган.

Ўзбекистоннинг тоғ шароити учун игнабаргли ва япроқбаргли дарахтларнинг ёпиқ илдиз тизимли кўчатларини етиштириш технологиялари ва улардан маданий ўрмон барпо этишнинг янги усуллари ишлаб чиқиш масалалари кам ўрганилган. Ушбу масалалар фақат ўтган 1987-1990 йилларда В.М.Сахацкий, У.Нигматов, Я.Ю.Мусаевлар томонидан фақат арчанинг учта турларида (*Juniperus turkestanica*, *seravschanica* Kom, *semiglobosa*) ҳамда 1990 йилда А.С.Аблаев томонидан оқ қайин (*Betula pendula*), 2000-2005 йилларда Г.М.Чернова, Л.В.Николяевлар томонидан эса pista (*Pistacio vera* L.) кўчатларида ўрганилган бўлиб, қолган бошқа турдаги кўчатларни ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштириш ҳамда улардан ўрмон барпо этишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш масалалари ҳозирга қадар тўлиқ ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида давлат илмий-техник лойиҳалар дастурида амалга оширилган №А-8-152 “Разработать технологию выращивания посадочного материала хвойных и лиственных пород с закрытой корневой системой для повышения эффективности создаваемых противоэрозионных насаждений в горных условиях” (2012-2014 йй.), №КХА–9-084 “Разработать технологию создания противоэрозионных лесных насаждений в горах с применением посадочного материала с закрытой корневой системой” (2015-2017 йй.) ҳамда № ИЛ-442105675-сонли “Тоғ олди лалми майдонларида эрозия ва сел оқимиға

қарши маданий ўрмонзорлар барпо этишда илдиз тизими ёпиқ ўрмон кўчатларини етиштиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** тоғ шароитида асосий ўрмон ҳосил қилувчи игна ва япроқ баргли дарахтлар кўчатларини ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштиришнинг мақбул усули ҳамда ушбу кўчатлар ёрдамида иқлим ва тупроқ шароити оғир бўлган лалми тоғ қияликларида маданий ўрмонзорлар барпо этиш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ўрмон дарахт кўчатларини ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштиришда контейнерларнинг мақбул тури ва ҳажмини аниқлаш;

ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда кўчатларни етиштириш учун мақбул тупроқ озика субстрат турини аниқлаш ҳамда ундаги макроэлементлар ўзгаришини тадқиқ этиш;

ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштирилган кўчатларнинг ўсиб ривожланишига суғориш усуллари ва муддатларининг таъсирини ўрганиш;

Ғарбий Тянь-Шаннинг турли тоғ экспозиция шароитларида ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни экиш усуллари ва муддатларининг кўчат ўсиши ва кўкарувчанлигига таъсирини аниқлаш;

карбоксилметилцеллюлоза (КМЦ) ҳамда “Полимелиорант” гидрогелларининг тупроқ намлигини сақлаш ҳамда уларнинг тупроқ сув ўтказувчанлигига таъсирини аниқлаш;

лалми тоғ шароитида минерал ўғит меъёрларининг тупроқ намлигини сақланиши, тупроқ ҳамда ўсимликларда озикавий макроэлементлар тўпланиши, дарахт кўчатларининг ўсиб ривожланиши ҳамда уларнинг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) тезлигига таъсирини аниқлаш;

ўрмон майдонида гербицид, гидрогел ва минерал ўғитларни биргаликда комплекс ҳамда якка ҳолда қўллашнинг тупроқ намлигини сақлаш ва кўчатлар ўсишига таъсирини аниқлаш;

ўрмон дарахт кўчатларини ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштириш ҳамда улардан фойдаланган ҳолда Ғарбий Тянь-Шань тоғ қияликларида маданий ўрмонзорлар барпо этиш усулларининг иқтисодий ва экологик самарадорликларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ғарбий Тянь – Шань тоғ тизмасида асосий ўрмон ҳосил қилувчи игна ва япроқ баргли дарахтлар, жумладан қрим қарағайи (*Pinus Pallasiana*), оддий эман (*Quercus robur*), Корольков дўланаси (*Crateagus Korolkovii*), Сиверс олмаси (*Malus Siversii*) ҳамда кумуш баргли заранг (*Acer saccharinum*) дарахт турлари ва уларнинг ёпиқ илдизли кўчатлари, гидрогел, гербицид ва минерал ўғит меъёрлари хизмат қилган.

**Тадқиқот предмети** бўлиб игна ва япроқ баргли дарахт кўчатларининг ўсиш ва кўкарувчанлик кўрсаткичлари, илдиз ривожланиши, тупроқларнинг сув ўтказувчанлик ва нам сақланиш даражаси, ўсимликларда макроэлементларнинг тўпланиши ҳамда тоғ террасаларда кўчатларнинг ўрмон билан қопланиш муддатлари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Дала тажрибалари Б.А. Доспеховнинг «Методика полевого опыта» стандарт услублари (2011) бўйича олиб борилган бўлиб, бунда тупроқларнинг механик ва физик хоссалари ва тупроқ намлиги ҳамда сув ўтказувчанлиги А.Ф.Вадюнина, З.А.Корчагинанинг «Методы исследования физических свойств почв и грунтов» (1973), тупроқларнинг агрохимёвий таҳлиллари Л.Н.Александрова ва О.А.Найденованинг «Лабораторно-практические занятия по почвоведению» (1967), кўчатларда фенологик кузатувлар Д.В.Тишин ва Н.А. Чижиковаларнинг «Фенология (методика наблюдений» (2022), кўчатлар илдиз қисмининг ривожланиши М.И.Калининнинг «Корневедение» (1991) ҳамда В.А.Рожков, И.В.Кузнецова, Х.Р. Рахматуллоевларнинг «Методы изучения корневых систем растений в поле и лаборатории» услубларида (2008), кўчатларга минерал ўғитларни қўллаш эса В.Н.Ефимовнинг «Система удобрения» (2002) ҳамда В.С.Победов, П.С.Шиманскийларнинг «Справочник по применению минеральных удобрений в лесном хозяйстве» (1977) услублари ёрдамида, кўчатларни суғоришнинг мақбул меъёрлари ва давомийлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар А.Н.Костяковнинг «Основы мелиорации» (1951) ҳамда Слейчер В. «Водный режим растений» (1970) услублари ёрдамида, тажриба доирасида олинган рақамли натижаларнинг математик-статистик таҳлили «Статистисал-7.0» дастури ҳамда Г.Н.Зайцевнинг «Математическая статистика в экспериментальной ботанике» (1984), тажриба вариантлари ўртасидаги сезиларли фарқ (t) кўрсаткичи эса Стьюдент ҳамда Фишер критерияси ёрдамида, тажриба натижаларининг корреляцион боғлиқлиги К.Пирсон ҳамда регрессияси Ф.Гальтоном тенгламалари ёрдамида аниқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор тоғ қиялиқларида ўрмон ҳосил қилувчи игна ва япроқ баргли дарахт кўчатларини етиштиришда ёпиқ илдиз тизимли контейнернинг мақбул тури («Zip-lock») ҳажми (15x20 см) ҳамда тупроқ озиқа субстратининг (55% ўрмон тупроғи, 30% чириган қўй гўнги, 15% дарё куми) мақбул аралашмаси аниқланиб, уларни қўллаш орқали кўчатларнинг йиллик ўсиши йирик ҳажмли (15x25 см) контейнерларга нисбатан 1,7-2,1 баробарга (175-215% гача) оширилиб, кўчатларнинг кўкарувчанлигини эса 83-91% да таъминланиши илмий асосланган;

ҳажми 15x20 см га тенг «Zip-lock» полиэтиленли ҳамда 18x25 см синтетик халтачали ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда маҳаллий тупроқ озиқа субстратини қўллаб экилган кумушранг заранг уруғларининг унувчанлиги анъанавий усулга (кўчатхонада экилган) нисбатан 1,0-1,1 баробарга (7,0-9,0% га), кўчатлар ўсишини эса 1,4-1,5 баробарга (141-156 % га) оширилган;

«Zip-lock» полиэтиленли контейнерларда етиштирилган дарахт кўчатларини чегаравий дала нам сиғимлигига нисбатан (ЧДНС-23%) тупроқ намлигини 60-65-70% да сақлаган ҳолда ёмғирлатиб суғоришни қўллаш

орқали сув сарфини анъанавий (эгатлаб) суғоришга нибстан ўртача гектарига 540-623 м<sup>3</sup> гача иқтисод қилиниши аниқланган;

Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасининг ўсимлик ўсиш шароити оғир ва сув танқис бўлган ғарбий ва жанубий қияликларида ёпиқ илдиз тизимли “Zip-lock” контейнерларда етиштирилган кўчатларни чуқурчали (кўчат илдиз буғинини тупроқнинг юза қатлампидан 20 см чуқурга экиш) ҳамда тупроқларда нам сақловчи “КМЦ” гидрогелининг тупроқ оғирлигига нисбатан 0,2% меъёрини (битта чуқурга 50-55 г) қўллаб экиш усуллари ёрдамида март-апрел ойларида экилган кўчатларнинг кўкарувчанлигини ўртача 80-85% гача, май ойида кечиктириб экишда 61-93% гача ошириши илмий асосланган;

ғарбий ва жанубий тоғ қияликларида экилган ёпиқ илдиз тизимли кўчатларнинг ўсиши ҳамда ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) даражасини оширишда минерал ўғитнинг мақбул меъёрини (N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub>) қўллаш, кўчатларнинг ўсишини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 1,3-2,0 баробаргача (129-202%) ошириб, кўчатларнинг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) муддатларини эса 3-4 йилга жадаллаштириши исботланган;

ғарбий қияликда минерал ўғитнинг соф ҳолдаги N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> меъёри + “КМЦ” гидрогелининг 0,2% (битта чуқурга 50-55 г) + “Ураган форте” гербицидининг гектарига 1200 мл меъёрларини биргаликда қўллаш орқали тупроқнинг 50-75 см қатлампида намликни ёз ойларида (июл, август, сентябр) 4,5-4,7% га ошириш ҳисобига дўлана ва олма кўчатларининг ўсиб-ривожланишини ўғитсиз (ишловсиз) вариантга нисбатан 6,4-7,2 баробарга (643-722%) ошириши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда ишлаб чиқилган полиэтиленли “Zip-lock” контейнернинг мақбул ҳажмини (15x20 см) ҳамда тупроқ озиқа субстратларини қўллаш орқали асосий ўрмон ҳосил қилувчи 4 турдаги дарахт кўчатлари - қрим қарағайи, эман, дўлана, Сиверс олмасининг ўсишини (бўйи ва тана йўғонлигига) анъанавий усулларга (илдиз тизими очик) нисбатан 1,7-2,1 баробарга (175-215% гача), кўчатлар кўкарувчанлиги эса 83-91% гача ошириш мумкинлиги исботланди;

ёпиқ илдиз тизимли “Zip-lock” контейнерларда етиштирилган кўчатлардан лалми тоғ шароитида ўрмон барпо этишда кўчат экишнинг чуқурчали - 30x30x50 см (кўчат илдиз қисмини тупроқнинг юза қатлампидан 20 см чуқур қатламга экиш) ҳамда тупроқларда нам сақловчи “КМЦ” гидрогелининг тупроқ оғирлигига нисбатан 0,2% меъёрини (50-55 г) қўллаш орқали ёз ойларида (июн, июл, август) кўчат илдизи жойлашган тупроқнинг 35-50 см қатлампидаги намлик даражасини анъанавий (илдиз тизими очик) усулга нисбатан 3,0-9,0% гача сақлаб туриш орқали кўчатлар кўкарувчанлигини эса 80-85% гача оширилган;

Ғарбий ва Жанубий қияликларида ёпиқ илдиз тизимли “Zip-lock” полиэтилен контейнерда етиштирилган дарахт кўчатларни экиш усуллари (чуқурчали, “КМЦ-0,2%” ва N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> ўғит меъёрини) қўллаш орқали

кўчатлар шох-шаббаларининг жипслашиш даражаси (бўйига ва шох-шаббаларининг ён томонга ўсиши)ни анъанавий усулга (илдиз тизими очик ҳолда) нисбатан 3-4 йилга жадаллаштирган;

Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасида ёпиқ ва очик илдиз тизимли дарахт кўчатларидан маданий ўрмон барпо этишнинг ҳисоб-технологик харитаси ишлаб чиқилиб, сарфланадиган ҳаражатлар миқдори анъанавий усулларга (илдиз тизими очик) нисбатан гектарига 5 723,0 минг сўм иқтисод қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Лаборатория, дала ва ишлаб чиқириш тажрибаларининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар илмий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг апробация комиссияси кўригидан ижобий баҳоланганлиги; диссертация ишига қўлланилган услубларнинг тадқиқотларни бажаришга мослиги; тажриба маълумотларининг умум қабул қилинган услублар ёрдамида математик-статистик ва корреляцион таҳлил қилинганлиги; тадқиқот натижалари республика инновацион кўرғазмаларда намойиш этилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилганлиги ҳамда республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилганлиги, шунингдек, уларнинг илмий нашрларда чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини билдиради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тоғли минтақаларда кўчатхона шароитида илдиз тизими ёпиқ кўчатларни етиштиришда контейнернинг мақбул “Zip-lock” тури, ҳажми (15x20 см), мақбул тупроқ субстрат таркиби (55% ўрмон тупроғи, 30% қўй гўнги, 15% дарё куми) ҳамда кўчатларни суғоришнинг мақбул усули (ёмғирлатиб), меъёрлари ва давомийлиги аниқланлиги, сув танқис бўлган тоғ қияликларида илдиз тизими ёпиқ (контейнер) усулида етиштирилган дарахт кўчатларини жадал ривожлантириш мақсадида кўчатларга минерал ўғит қўллаш ҳамда кўчат атрофидаги бегона ўтларга қарши гербицид тури ҳамда уларни қўллашнинг мақбул меъёрлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурғоқчил лалми тоғ шароитларида ёпиқ илдиз тизимли контейнер идишларда етиштирилган дарахт кўчатлари ёрдамида кўчат экишнинг чуқурчали (тупроқ юза қатламидан 20 см чуқурга) ва “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаш усуллари ёрдамида кўчатларнинг кўкарувчанлиги анъанавий усулга нисбатан 35-50%га (кўкарувчанлик 75-90%) ошганлиги, ноқулай иқлим шароитларда кўчат илдиз тизими жойлашган 35-50 см тупроқ қатламида намлик даражасини ёз ойларида (июн, июл, август) сўлувчанг намлик (влажность завиядания 8%) кўсарткичидан 3,0-9,0% гача сақлаб туриши, натижасида кўчатларнинг ривожланиши назорат вариантга нисбатан 1,5-2,0 баробарга

ўсганлиги, ўрмон билан қопланиш даражаси эса 3-4 йилгача жадаллашганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фарбий Тянь-Шань тоғ ва тоғолди ҳудудларида асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахтларнинг (қрим қарағайи, эман, дўлана ва олма) ёпиқ илдиз тизимли кўчатларини етиштириш технологиялари ва улардан маданий ўрмон барпо этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Ўрмон хўжаликлари учун ўрмон дарахт кўчатларини илдиз тизими ёпиқ “Zip-lock” полиэтилен контейнерларда етиштиришга оид” илмий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 18 мартдаги №03-03/3-2627-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома ўрмон хўжаликларида ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

контейнернинг мақбул “Zip-lock” тури, ҳажми (15x20 см), мақбул тупроқ субстрати (55% ўрмон тупроғи, 30% қўй гўнги, 15% дарё қуми), кўчатларни суғоришнинг мақбул усули (ёмғирлатиб) ҳамда меъёрларини (25-30 л/м<sup>2</sup>) қўллаш ишланмаси Тошкент вилояти Оҳангарон ва Саксонота ҳамда Жиззах вилояти Зомин давлат ўрмон хўжаликларининг кўчатхоналарида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 18 мартдаги №03-03/3-2627-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида контейнер усулида 11 000 туп кўчатлари етиштирилиб, кўчат етиштириш самарадорлиги 1,7-2,1 баробаргача (175-215% га) оширилган;

тоғ қияликларида маданий ўрмон барпо этишда ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни чуқурчали ва “КМЦ” гидрогелининг 0,2% меъёрини қўллаб экиш, экилган дарахт кўчатларнинг ўсишини жадаллаштиришда минерал ўғитнинг соф ҳолда гектарига N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> ва N<sub>120</sub>P<sub>180</sub>K<sub>90</sub> меъёрларини якка ҳамда минерал ўғитнинг гектарига N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> меъёри, “КМЦ” гидрогелининг 0,2% (ҳар бир тупга 50-55 г) ҳамда “Ураган форте” гербицидининг 1200 мл/га меъёрларини биргаликда комплекс қўллаш технологиялари Тошкент вилояти Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигининг 1,5 га, Саксонота давлат ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш корхонасининг 1,0 га ҳамда Жиззах вилояти Зомин давлат ўрмон хўжалигининг 1,7 га майдонида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 18 мартдаги №03-03/3-2627-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида тоғ қияликларида экилган кўчатларнинг кўкарувчанлиги 75-80% гача, кўчатларнинг ўсиши эса 1,3-2,0 баробаргача (129-202%) оширилиб, кўчатларнинг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) муддатлари эса 3-4 йилга жадаллашган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашларда 10 та мақола, шундан 5 та хорижий ва 5 та мақола республика журналларида, шунингдек 8 та тезис илмий-амалий конференциялар тўпламларида (жумладан 6 таси халқаро, 2 таси республика) тўпламларда ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олгита боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида ўрмон дарахт кўчатларини ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштириш ва улардан маданий ўрмонзорлар барпо этиш назарий асослари, ўрмон майдонларида тупроқ намлигини оширишда нам сақловчи гидрогел ва гербицидларни қўллаш бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари, интернет маълумотлари, шунингдек ўрмон майдонларида кўчатлар ўсишини жадаллаштиришда минерал ўғитлар таъсирларига оид адабиётлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароитлари, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган майдоннинг рельефи, жойнинг тупроқ-иклим ва ўсимлик ўсиш шароитлари ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган.

Тадқиқотда ўрмон кўчатларини контейнерларда етиштиришда ҳажми 15x20 (1400 см<sup>3</sup>) ҳамда 15x25 см га (1800 см<sup>3</sup>) тенг “Zip-lock” полиэтиленли контейнерлар қўлланилди.

Контейнерларни тўлдиришда тупроқ субстратларининг мақбул турини аниқлаш мақсадида қуйидаги 2 турдаги тупроқ субстрати қўлланилган: 1-вариант: 50-60 ёшдаги ўрмон дарахтлари тагида гумусга бой юза 10-15 см қатламидан олинган тупроқ субстрати (*тажрибада “ўрмон тупроғи” деб олинган*); 2-вариант: 55% ўрмон тупроғи, 30% қўй гўнги ва 15% дарё куми аралашмасидан тайёрланган тупроқ субстрати (*тажриба вариантыда «субстрат» деб олинган*).

Контейнерларда етиштирилган кўчатларни суғоришда суғоришнинг икки

усули, яъни 1-вариант: - эгатлаб суғориш; 2-вариант: - ёмғирлатиб суғориш усуллари қўлланилди.

Ғарбий Тянь-Шаннинг жанубий ва ғарбий қияликларида маданий ўрмонзорлар барпо этишда “Zip-lock” контейнерларда етиштирилган кўчатларни экишнинг қўйидаги усуллари синовдан ўтказилган. 1-вариант: 30x30x40 см схемадаги чуқурчага илдиз тизими ёпиқ (ИТЁ) кўчатлари илдиз бўғинларини ер юза қатлами билан тенг қилиб экиш; 2-вариант: 30x30x50 см схемадаги чуқурчага кўчат илдиз бўғинини ер юза қатлампдан 20 см пастга намли чуқур қатламга жойлаштириб экиш; 3-вариант: 30x30x40 см схемадаги чуқурчага «КМЦ» гидрогелининг тупроқ оғирлигига тенг бўлган 0,2% (50-55 гр) меъёрини қўллаб экиш; 4-вариант: назорат, яъни 30x30x40 см схемадаги чуқурчага илдиз тизмаси очик (ИТО) кўчатларни экиш.

Диссертациянинг «**Ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда дарахт кўчатларини етиштириш технологиялари**» деб номланган учунчи бобида кўчатларни ҳар хил ҳажмдаги контейнерларда етиштириш, тупроқ субстрати ва кўчатларни суғориш усуллари кўчат ўсиши ва ривожланиши ҳамда контейнерларда уруғларнинг унувчанлигига таъсирлари ўрганилган.

Ушбу бобнинг «Контейнер ҳажми ва тупроқ субстрат таркибининг дарахт кўчатларини ўсиб ривожланишига таъсири» ҳамда “Контейнерларда етиштирилган дарахт кўчатларни суғориш усуллари ва меъёрларининг кўчатларнинг ўсишига таъсири” деб номланган бўлимларида контейнер ҳажми, тупроқ субстрати ва суғориш усуллари тажрибада синалган ўрмон кўчатларининг ўсишига турлича таъсир кўрсатиши исботланди.

Бунда қрим қарағайи кўчатларининг йиллик ўсишига контейнернинг 1400 см<sup>3</sup> ҳажми ва аралашмали субстрат энг юқори таъсир кўрсатиб, йиллик бўйига ўсиши 9,6 см ни ташкил этиши аниқланган. Энг катта 1800 см<sup>3</sup> ҳажмдаги контейнерларда ва шу аралашма субстратида кўчатларнинг бўйига ўсиши кичик ҳажмли контейнерга нисбатан 4,1 баробарга (ўртача 2,3-0,8 см) паст натижани қайд этган. Ўрмон тупроғи билан тўлдирилган катта ҳажмдаги контейнерларда қарағай кўчатларнинг йиллик ўсиши жуда паст бўлиши, яъни 0,8 см ни ташкил этиши аниқланди (1-жадвал).

Эман кўчати контейнер ҳажмпдан кўра кўпроқ тупроқ озика субстратига таъсирчанг бўлиши аниқланди. Бунда 1400-1800 см<sup>3</sup> ҳажмли контейнерларда тўлдирилган 55% оддий тупроқ, 30% маҳаллий гўнг ҳамда 15% дарё аралашмасида кўчатларнинг йиллик бўйига ўсиши мос равишда 10,0-10,5 см ни ташкил этиб, тадқиқот якунида баландлиги 21,3-24,8 см кўрсатиши ва бу оддий тупроқ тўлдирилган контейнерларда етиштирилган кўчатларга нисбатан 1,1-1,2 баробарга (113-127%) юқори устунликни таъминлаши аниқланди (1-жадвал).

Дўлана кўчатининг йиллик ўсиши эса контейнер ҳажмпдан кўра кўпроқ тупроқ озика субстратига таъсирчан бўлиши аниқланди. Бунда энг юқори кўрсаткич ҳар иккала ҳажмдаги контейнерларда тўлдирилган субстратни қўллаш вариантыда кўзатилди. Кўчатларнинг бўйига йиллик ўсиши мос равишда 20,1-30,1 см ни ташкил этиб, бу оддий тупроқ

тўлдирилган контейнерларда етиштирилган кўчатларга нисбатан 2,2-4,6 баробарга юқори устунликни таъминлади (1-жадвал).

Дўлана кўчатларининг бўйига ўсишининг контейнер ҳажми ва тупроқ озиқа субстратига боғлиқлигини ўрганганилганда ҳар иккала ҳажмдаги контейнерларда тўлдирилган аралашма субстрат кўчатлар ўқ илдизнинг ривожланишини ўрмон тупроғи вариантыга нисбатан мос равишда 1,0-1,1 баробарга, ён илдизлар сони ҳам 1,0-1,2 баробарга (100-121%) ошириши аниқланди.

Сиверс олмаси кўчатларининг бўйига ўсишига асосан кичик ҳажмдаги (1400 см<sup>3</sup>) контейнерларга тўлдирилган субстрат аралашмаси ижобий таъсир кўрсатган. Бунда ушбу вариантларда кўчатларнинг йиллик бўйига ўсиши йирик ҳажмли контейнерларга нисбатан мос равишда 2,5-4,8 баробар (258-482%)га устун натижа билан ажралиб турди (1-жадвал).

Қрим қарағайи, дўлана ва олма кўчатларининг бўйига жадал ўсиши кўпроқ контейнер ҳажмига эмас, балки тупроқ субстратига боғлиқлиги аниқланди. Барча вариантлар кўчатларнинг яшовчанлигини 84-92% га ошишини таъминлади (1-жадвал).

Тадқиқотда ҳар хил ҳаждаги контейнерларда етиштирилган ҳар бир дарахт кўчатларининг ўсиб ривожланиши контейнер ҳажми билан биргаликда суғориш усули ҳамда меъёрига боғлиқ эмаслиги аниқланди.

Масалан, қрим қарағайининг бўйига жадал ривожланиши ҳажми 1400-1800 см<sup>3</sup> бўлган контейнерларда ҳам ҳар иккала суғориш усулларида бир-бирига яқин натижани кўрсатди. Бунда ҳар иккала ҳажмдаги контейнерларда эгатлаб суғориш усулида етиштирилган кўчатларни йиллик бўйига ўсиши мос равишда 13,1-12,3 см ни ташкил этган бўлса, ёмғирлатиб суғориш усулида кўчатларнинг ўсиши эса мос равишда бир хил 12,6-12,3 см натижани таъминлади (вариантлар орасидаги фарқ  $t_{1-1} \leq 0,5$ ;  $t_{2-2} \leq 2,5$  га тенг). Лекин вегетация якунига келиб, кичик ҳажмдаги (1400 см<sup>3</sup>) контейнерларда қрим қарағайи кўчатларни ёмғирлатиб суғориш эгатлаб суғоришга нисбатан сув сарфини гетарига 540 м<sup>3</sup> га иқтисод қилиши аниқланди.

Дўлана кўчатларининг ривожланишига контейнер ҳажми суғориш усуллари турлича таъсир кўрсатиши аниқланди. Кўчатларнинг бўйига ривожланишида нисбатан юқори ўсиш кичик (1400 см<sup>3</sup>) ҳажмли контейнерларда етиштирилган ниҳолларни эгатлаб суғориш усулида аниқланди.

Бунда ниҳолларнинг бўйига йиллик ўсиши 15,9 см ни ташкил этиб, бу ёмғирлатиб суғоришга нисбатан 1,1 баробарга (116%) ошиши қайд этди (вариантлар орасидаги фарқ  $t_{1-1} \leq 1,2$  га тенг). Катта ҳажамдаги (1800 см<sup>3</sup>) контейнерларда кўчатларнинг бўйига ўсиши суғориш усулларига боғлиқсиз бўлиши аниқланди.

Бунда ҳар иккала суғориш усулларида кўчатларнинг бўйига йиллик ўсиши мос равишда 11,5-10,0 см ни ташкил этиб, вариантлар орасида сезиларли фарқ аниқланмади ( $t_{2-2} \leq 1,9$  га тенг).

## 1-жадвал

Контейнер идишларда етиштирилган ёпиқ илдив тизимли дарахт кўчатларининг ўсиши ва кўкарувчанлигига суғориш усулларининг таъсири, 2012-2014 йиллар

Дарахт тури	Контейнер хажми, см <sup>3</sup>	Ўртача бўйига ўсиш кўрсаткичи						Бўйига йиллик ўсиши, см		Тана йўқонлигига йиллик ўсиши, мм	кўкарувчанлик, %		
		экилгандан сўнг, см			экилгандан сўнг, см			йиллик ўсиши, см	t <sub>st</sub>				
		бўйи, см M±m	P, %	ёғоч диаметри, мм M±m	P, %	бўйи, см M±m	P, %					ёғоч диаметри, мм M±m	P, %
<b>ЭГАТЛАБ СУҒОРИШ</b>													
Қрим қарағайи	1400	6,7±0,21	3,2	2,5±0,08	3,2	19,8±0,59	2,9	3,8±0,06	1,5	13,1	1-1=≥0,5	1,2	86
	1800	6,5±0,15	2,3	1,4±0,05	3,6	18,8±0,71	3,8	2,5±0,07	2,8	12,3	2-2=≤2,5	1,1	89
Қорольков дўланаси	1400	6,4±0,17	2,7	2,5±0,18	7,2	22,3±0,51	2,2	3,9±0,05	1,6	15,9	1-1=≤1,2	1,4	89
	1800	6,8±0,19	2,9	2,3±0,06	2,6	18,3±0,54	2,9	3,6±0,08	2,2	11,5	2-2=≤1,9	1,3	90
Оддий эман	1400	7,5±0,26	3,4	3,6±0,15	4,1	36,6±0,65	1,7	5,1±0,14	2,8	29,1	1-1=≤1,3	1,5	87
	1800	7,0±0,19	2,7	2,9±0,09	3,1	31,0±0,34	1,0	4,2±0,20	4,7	24,0	2-2=≤0,20	1,3	91
Сиверс олмаси	1400	6,4±0,15	2,3	2,5±0,10	4,0	42,8±0,77	1,8	3,5±0,84	2,4	36,4	1-1=≤0,4	1,0	79
	1800	6,6±0,13	2,0	2,4±0,06	2,5	26,7±0,69	2,6	3,9±0,10	2,6	21,0	2-2=≤2,2	1,5	82
<b>ЁМГИРЛАТИБ СУҒОРИШ</b>													
Қрим қарағайи	1400	6,7±1,21	1,8	2,5±0,08	3,2	19,3±0,65	3,4	3,7±0,05	1,3	12,6		1,2	85
	1800	4,5±0,15	3,4	1,4±0,05	3,6	16,8±0,38	2,3	2,5±0,07	2,7	12,3		1,1	87
Қорольков дўланаси	1400	7,4±0,41	5,5	2,5±0,18	7,4	21,1±0,80	3,8	3,5±0,08	2,3	13,7		1,0	87
	1800	6,8±0,36	5,3	2,3±0,06	2,6	16,8±0,54	3,2	3,6±0,08	2,2	10,0		1,3	89
Оддий эман	1400	7,0±0,23	3,2	2,9±0,09	3,1	34,8±1,21	3,5	4,3±0,12	2,8	27,8		1,4	87
	1800	7,5±0,26	3,4	3,6±0,15	4,1	31,3±1,44	4,6	5,1±0,14	2,8	23,8		1,5	90
Сиверс олмаси	1400	6,5±1,22	1,8	2,5±0,60	2,4	42,2±1,22	2,9	3,7±0,07	1,9	35,7		1,2	78
	1800	6,6±1,15	1,7	2,4±0,60	2,5	24,7±0,56	2,3	3,9±0,14	3,6	18,1		1,5	79

Изоҳ: Вариантлар орасидаги сезиларли фарқ (t) ҳар бир дарахт турида контейнер ҳажми бўйича эгитлаб ва ёмғирлатиб суғориш орасидаги натижалар юзасидан ҳисобланди.

Бу эса вегетация якунида ёмғирлатиб суғориш усули эгатлаб суғоришга нисбатан сув сарфини гектарига 576 м<sup>3</sup> тежаш мумкинлиги исботланди. Сиверс олма кўчатларининг бўйига ривожланиши контейнер ҳажми ва суғориш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланди.

Бунда ниҳолларнинг бўйига ўсишида энг юқори кўрсаткични кичик (1400 см<sup>3</sup>) ҳажмли контейнерларда ҳар иккала суғориш усуллари таъминлаб, кўчатларнинг йиллик бўйига ўсиш кўрсаткичи мос равишда 36,4-35,7 см ни ташкил этиши қайд этилди (вариантлар орасидаги фарқ  $t_{1-1} \leq 0,4$  тенг).

Бу эса йирик (1800 см<sup>3</sup>) ҳажмли контейнерда суғориш усулларига нисбатан 1,7-1,9 баробара (173-197%) устун натижа билан ажралиб турди. Кўчатларни суғориш усуллари кўчатларнинг тана йўғонлигига ўсишида сезиларли даражада таъсир кўрсатмаслиги аниқланди.

Тажрибада синалган барча кўчатларнинг тана йўғонлигига ўсиши ўртача 1,3-1,5 мм ни ташкил этди. Суғориш усуллари кўчатлар кўкарувчанлигини контейнер ҳажмига боғлиқсиз ҳолда ўртача 78-91%да таъминлаши аниқланди (1-жадвал).

Контейнерларда етиштирилган кўчатларни суғоришдан сўнг тўлиқ нам сиғимлигидан сўнги тупроқ нам сиғимлигини (ЧДНС-23%) 60-65-70% сақлаган ҳолда ёмғирлатиб суғориш орқали апрел ойида ҳар 6-7 кунда бир маротаба, май-июн ойида ҳар 5-6 кунда бир, июл ойида ҳар 3-4 кунда бир, август ойида ҳар 4-5 кунда бир, сентябр ойида ҳар 5-6 кунда бир, октябр ойида эса ҳар 6-7 кунда бир маротаба 1 м<sup>2</sup> майдонга 25-30 л/м<sup>2</sup>, гектар ҳисобида 2200-2400 м<sup>3</sup> сарф меъёрида ёмғирлатиб суғориш зарурлиги исботланди.

Бобнинг «Турли контейнер идишларнинг дарахт уруғлари унувчанлиги ва ниҳолларнинг ўсишига таъсири» деб номланган бўлимида ҳажми 15x20 см га тенг полиэтиленли “Zip-lock” ҳамда ҳажми 18x20 см га тенг синтетик қопчали контейнер идишларнинг кумушранг заранг уруғ унувчанлиги ва ниҳолларнинг ўсишига таъсирлари баён қилинган.

Тадқиқотдан шу аниқландики, полиэтиленли “Zip-lock” ҳамда синтетик қопчали контейнер уруғ унувчанлиги ва ниҳолларнинг баландликка ўсишига бир хил таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ушбу вариантларда уруғ унувчанлиги мос равишда 85-87% ни, ниҳолларнинг бўй кўрсаткичи мос равишда 25,4-28,1 см ни ташкил этиб, назорат вариантга (кўчатхона шароитида экилган уруғларга) нисбатан уруғ унувчанлиги 7-9,0% га, ниҳолларнинг баландликка ўсишини эса 1,4-1,5 баробарга (141-150 % гача), тана йўғонлигини эса 1,5-1,8 баробарга (150-180% га) ошириши аниқланди. Ушбу вариантдаги натижалар назорат вариант натижалари билан сезиларли даражада фарқланиши исботланди ( $t_{2-1} \leq 6,9$ ;  $t_{3-1} \leq 8,6$ ).

Диссертациянинг «**Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасининг турли экспозицияларида ёпиқ илдиз тизимли кўчатларидан маданий ўрмон барпо этиш усуллари**» деб номланган тўртинчи бобида Жанубий ҳамда Ғарбий қияликларида контейнерларда етиштирилган бир ва икки ёшли кўчатлардан ўрмон барпо этиш усуллари, кўчат экиш муддатларининг кўчат

яшовчанлиги, ўсиши ва ривожланишига таъсирлари ўрганилган.

Бобнинг «Тоғ қияликларида экилган кўчатларнинг кўкарувчанлигини оширишда тупроқ намлигини сақловчи “КМЦ” гидрогелининг мақбул меъёрларини аниқлаш» деб номланган бўлимида тупроқларда «КМЦ»нинг мақбул меъёрлари икки омилни, яъни «КМЦ» меъёрларининг ўсимлик илдиз қатлами жойлашган майдонида тупроқ намлигини ушлаб туриш ва ўсимлик ўсиши ҳамда ривожланишига таъсирларини ҳисобга олган ҳолда аниқланди.

Шу боисдан “КМЦ” гидрогелининг қўллашнинг мақбул меъёрини аниқлаш бўйича тажрибалар дастлаб контейнер идишларда 6 та варианта – назорат (“КМЦ” қўлламадан), грануланган “КМЦ”нинг 0,2%, 0,4%, 0,8%, 1,0% и 2,0% куруқ меъёрлари олма дарахт ниҳолларида синовдан ўтказилди.

Тажрибадан маълум бўлдики, контейнер идишларда “КМЦ” гидрогел меъёрларини 1,0 фоизгача ошириш олма дарахти уруғларининг унувчанлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Энг юқори уруғ унувчанлик “КМЦ” гидрогелининг 0,4 фоиз меъёрида аниқланиб, уруғ унувчанлиги 63 фоизни ташкил этиб, фақат гидрогелнинг 0,8-2,0% меъёрида уруғ унувчанлиги 50%дан 4,2%га пасайиши кузатилди.

Бунда “КМЦ” гидрогел меъёрини 0,8% дан оширишган сари ўсимликларнинг бўйига ўсишига сезилари салбий таъсир кўрсатиши аниқланиб, 0,8% меъёрида ниҳолларнинг ўсиши 0,2-0,4% меъёрларига нисбатан 1,3-1,4 баробарга, 1,0 % меъёрида 2,0-2,1 баробарга, 2,0% меъёрида эса 12,2-12,8 см га паст натижани кўрсатди.

Ниҳолларнинг ўсиши бўйича энг юқори натижа гидрогелнинг 0,2-0,4%да аниқланиб, ўсимликларнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи мос равишда 30,7-32,1 см ни ташкил этиб, назорат-ишловсиз вариантга нисбатан 1,9-2,0 баробарга (191-200%), гидрогелнинг оширилган вариантларига нисбатан эса 1,3-2,0 баробарга (134-208%) устун натижа билан ажралиб турди (вариантлар орасидаги сезиларги фарқ коэффициентини  $t=1,6$  га тенг).

Олинган тадқиқот натижаларига кўра “КМЦ” гидрогелининг 0,2% ҳамда 0,4% меъёрлари орасида кўчатларнинг бўйига ўсиши бўйича сезиларли фарқ ( $t=1,6$ ) аниқланмаганлиги сабабли, тоғ қияликларида маданий ўрмонзорлар барпо этишда дарахт кўчат илдизи жойлашган тупроқ қатламларидаги намликни сақлаш учун “КМЦ” гидрогелининг тупроқ оғирлигига нисбатан 0,2% меъёри мақбул вариант сифатида тавсия этилди.


Бобнинг «Ғарбий ва жанубий тоғ қияликларида ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини экиш усулларининг кўчат кўкарувчанлигига таъсири» деб номланган бўлимида Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасининг ғарбий ва жанубий қияликларида ёпиқ илдиз тизимли бир ва икки кўчатларни экиш усулларининг кўчатларнинг кўкарувчанлигига таъсирлари ўрганилди.

Тажрибадан маълум бўлдики, тоғ қияликларида экилган илдиз тизими ёпиқ бир йиллик кўчатлар илдиз тизими очик кўчатларга нисбатан юқори кўкарувчанликни таъминлаши аниқланди. Бунда Ғарбий ва Жанубий қияликларнинг ўсимликлар ўсиши қийин бўлган шароитларида қрим қарағайи кўчатлари кўкарувчанлигига тупроқларда нам сақловчи “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб ҳамда чуқурчали экиш усулларига ижобий таъсир кўрсатиб, ғарбий қияликда биринчи йилда мос равишда 91,4-91,3%, жанубий қияликда эса 73,4-78,6% кўкарувчанликни таъминлаб, вариантлар орасидаги


(чукурчали ва КМЦ гидрогелини қўллаш) фарқ 5,2% ни ташкил этиши исботланди (1-а расм).

Тажирибанинг иккинчи йилида ушбу вариантларда ғарбий қияликда мос равишда 85%, жанубий қияликда эса 50-60%, иккинчи йилда кўкарувчанликни таъминлади. Назорат вариантда эса кўчатлар кўкарувчанлиги вегетация якунида ғарбий ва жанубий қияликларда эса кўчатларнинг тўлиқ нобуд бўлиши аниқланди.

Ғарбий ва жанубий қияликларда оддий эман кўчатларининг кўкарувчанлигига юқори таъсир кўчатларни чукурчали ва тупроқга “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш усулларида аниқланди. Бунда вегетация якунида ғарбий қияликда чукурчали экиш 80% кўкарувчанликни таъминлаган бўлса, “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш усули эса 62% кўкарувчанликни, жанубий қияликда эса чукурчали экиш усулида 70%, “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш усулида эса 40% кўкарувчанликни таъминлади. Бу вақтда ғарбий қияликда назорат вариант (ИТО) кўчатларда 32% кўкарувчанликни, жанубий қияликда эса 24% кўкарувчанликни таъминлади.



а) бир йиллик кўчатлар



б) икки йиллик кўчатлар

1-расм. Ғарбий қияликда экилган бир ва икки йиллик Қрим қарағайи кўчатларининг кўкарувчанлик динамикаси, 2013-2015 йиллар

Кўчат экиш усуллари Корольков дўлана кўчат яшовчанлигига ҳар хил таъсир кўрсатиши аниқланди. Ғарбий қияликда кўчатларда юқори яшовчанлик кўчатларни чукурчали ва “КМЦ-0,2%” гидрогел қўллаб экиш усулларида кузатилиб, бунда вегетация якунида яшовчанликни мос равишда 80-82% таъминлади. Жанубий қияликда эса энг юқори яшовчанликни ИТЁ кўчатларини оддий усулда экиш ҳамда чукурчали экиш усулларида аниқланиб, кўкарувчанлик мос равишда 70-92% ни ташкил этди. Бу эса назорат вариантга нисбатан 46-66% га устунлиги билан ажралиб турди.

Ғарбий ва жанубий қияликларда кўчат экиш усуллари Сиверс олмаси кўчатларига турлича таъсир кўрсатиши аниқланди. Ҳар иккала қияликда кўчатларда энг юқори кўкарувчанликни чукурчали экиш усуллари таъминлаб,

вегетация якунида ғарбий қияликда ушбу экиш усулида кўчатлар кўкарувчанлиги 90%ни ташкил этган бўлса, жанубий қияликда эса 85% ни ташкил этди. ИТЁ кўчатларини оддий ва “КМЦ” гидрогелини қўллаб экиш усуллари эса кўчатлар кўкарувчанлигини мос равишда 80%, жанубий қияликда эса мос равишда 73% кўкарувчанликни таъминлади. Назорат вариантда (ИТО) эса кўчатлар кўкарувчанлиги ғарбий қияликда 23% ни, жанубий қияликда эса 48% ни ташкил этиши аниқланди.

Ғарбий қияликда икки йиллик қрим қарағайи кўчатларида энг юқори кўкарувчанлик кўчатларини чуқурчали ҳамда “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаш вариантларида аниқланиб, кўкарувчанлик мос равишда 84,2-77,6% ни ташкил этди. Жанубий қияликда қрим қарағайида юқори кўкарувчанлик “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш вариантыда аниқланиб, вегетация якунида кўкарувчанлик 83,2% ни ташкил этди (1-б расм).

Эман кўчатида эса юқори кўкарувчанлик чуқурчали “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш вариантларида аниқланиб, вегетация якунида мос равишда 74-64% ни таъминлади. Назорат вариантда икки йиллик кўчатларнинг кўкарувчанлиги бир йиллик кўчатларга нисбатан сезиларли юқори бўлиши кузатилди (1-б расм).

Бобнинг «Тоғ қияликларига экилган ёпиқ илдиз тизимли бир ва икки йиллик кўчатларнинг ўсиш динамикаси» бўлимида ғарбий ва жанубий қияликларида экилган бир ва икки ёшли ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларининг баландлик ва тана йўғонлигига ўсиши биометрик ўлчов усулида ўрганилган.


Ғарбий қияликда қрим қарағайида энг юқори натижа кўчатларни чуқурчали экиш усулида аниқланиб, кўчатларнинг ўсиши биринчи йилга нисбатан 14,4 см га ошиши, тупроқларда нам сақловчи “КМЦ” гидрогелини қўллаб экиш усулида эса 12,0 см га ошиши аниқланди. ИТЁ кўчатларини оддий усулда экиш вариантыда кўчатларнинг бўйига ривожланиши назорат вариант билан бир хил 3,1 см натижани қайд қилди. Кўчатларнинг йиллик ўсишини фоиз ҳисобида таққослаганда, кўчатларни чуқурчали экиш вариантыда кўчатларнинг йиллик ўсиши назоратга нисбатан 334% га, ИТЁ кўчатларини оддий экиш усулига нисбатан эса 215% га, “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш усулига нисбатан 55% га устунлиги билан ажралиб турди (2-а расм).

Эман кўчатларининг жадал ривожланишига асосан чуқурчали ва “КМЦ-0,2%” қўллаб экиш вариантлари сезиларли таъсир кўсатиб, вегетация якунида кўчатларнинг йиллик ўсиши мос равишда 12-10 см ни ташкил этиши аниқланиб, бу эса назорат вариантга нисбатан 164% га, ИТЁ кўчатларни оддий усулда экишга нисбатан эса 32% га устун натижани қайд этди (2-а расм).


Дўлана кўчатларининг бўйига жадал ўсишида ҳам кўчатларни чуқурчали ва “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаш усуллари сезиларли даражада таъсир кўрсатиб (вариантлар орасидаги фарқ 2%), ушбу вариантлар кўчатларнинг йиллик бўйига ўсишини мос равишда 12,6-11,1 см ни таъминлади. Бу эса назоратга нисбатан мос равишда 171-169% га, ИТЁ кўчатларини оддий усулда экиш вариантыга нисбатан эса 7-5% га юқори натижани қайд этиши

аниқланди (3-а расм). Сиверс олмаси кўчатларининг баҳор (март-май) ойидаги бўйига ўсиши тажрибанинг биринчи йилига нисбатан сушт бўлсада, лекин кўчатларни бўйига ўсишида чуқурчали ва “КМЦ-0,2%” меъёрини қўллаб экиш юқори таъсир кўрсатиши ва кўчатларининг йиллик ўсишини мос равишда 20-22 см ни ташкил этиши аниқланди. Бу эса назорат вариантга нисбатан йиллик ўсишини 2,4-2,5 баробарга (240-250%), ИТЁ кўчатларини оддий экиш усулларига нисбатан эса 50% га оширди (2-а расм).

Жанубий қияликда қарағай кўчатларининг бўйига жадал ўсишини ИТЁ кўчатларини оддий ҳамда тупроқга “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экиш вариантлари таъминлаб, кўчатларнинг йиллик ўсиши мос равишда 23,6-22,8 см ни ташкил этиши ва назорат вариантга нисбатан 1,4 баробар (143%)га ошиши аниқланди. Илдиз тизими ёпиқ ҳолида экилган оддий эман кўчатларига кўчат экиш усуллари бир хил таъсирни кўрсатиб, вариантлар ўртасида сезиларли фарқ (1,0 см) аниқланмади. Кўчатларнинг бўйига ўсиши мос равишда 33,0-34,0 см ни ташкил этиб, бу эса назоратга нисбатан 18-31% га юқори натижани кўрсатди (2-б расм).



а) Ғарбий қиялик



б) Жанубий қиялик

**2-расм. Ғарбий ва Жанубий қияликларда экилган бир йиллик ИТЁ кўчатларининг назорат вариантга нисбатан йиллик бўйига ўсиш кўрсаткичи, 2015-2016 йиллар**

Дўлана кўчатларининг бўйига ўсишида нисбатан юқори таъсир кўчатларини чуқурчали экиш вариантыда аниқланиб, вегетация якунида кўчатларнинг бўйи 73,9 см ни ташкил этиб, бу эса назорат вариантга нисбатан ўсиши 84% га, ИТЁ кўчатларини экиш усулларига нисбатан эса 14-41% га ошиши аниқланди (2-б расм).

Олма кўчатларининг ўсишига кўчатларни оддий ҳамда чуқурчали экиш вариантлари юқори таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ушбу вариантларда кўчатларнинг йиллик бўйига ўсиши мос равишда 52,5-59,5 см ни ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан йиллик ўсиши 66-70% га, “КМЦ-0,2%” гидрогелини қўллаб экилган вариантга нисбатан 41-45% га ошиши аниқланди (2.б -расм).

Бобнинг «Тоғ қияликларида ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни экиш муддатларининг кўчат кўкарувчанлигига таъсири» бўлимида ғарбий ва

жанубий қияликларига ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини кеч муддатда (май ойи ўртасида) экишнинг кўчат кўкарувчанлигига таъсири ўрганилган.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ғарбий қияликда синалган барча дарахт кўчатларида энг юқори кўкарувчанлик чуқурчали экиш вариантыда аниқланган. Бунда қрим қарағайи кўкарувчанлиги 92% ни ташкил этган бўлса, эманда 72%, Корольков дўланасида 88%, Сиверс олмасида 77%, назорат вариантда эса ўртача 22-44% ни ташкил этиши қайд этилган. Жанубий қияликнинг кучли ишқорли тупроқларида кўчатларнинг кўкарувчанлиги ўртача 16-37% ни ташкил этиши, назорат вариантларда эса тўлиқ нобуд бўлиши кузатилди.

Бобнинг «Тоғ қияликларига илдиз тизими очик ва ёпиқ кўчатларни экиш усуллари кўчат илдизининг ривожланишига таъсири» деб номланган бўлимида тоғ қияликларига ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни экиш усуллари кўчат илдизининг ривожланишига таъсири ўрганилган.

Тадқиқотдан шу маълум бўлдики, тажрибада синалган чуқурчали экиш усули бошқа усулларга нисбатан кўчатлар илдизининг жадал ўсишини таъминлаши ва назорат вариантга нисбатан 1,5-1,9 баробарга ошириши аниқланган. Бунда қрим қарағайи кўчатини чуқур экиш ўсимлик илдизи ўсишини назоратга нисбатан 255%, эманда 214 % га, дўланада 213% га ва олмада 124% га ошириши исботланди.

**«Тоғ қияликларига экилган ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни ўстириш ҳамда ўрмон билан қопланиш даражасини жадаллаштириш усуллари»** деб номланган бешинчи бобида Ғарбий ва жанубий қияликларда ёпиқ илдиз тизимли контейнер усулида экилган кўчатларнинг ўсиб-ривожланиши ҳамда кўчатларнинг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) даражасини оширишга минерал ўғит, “КМЦ”, “Полимелиорант” гидрогеллари ҳамда “Ураган форте” гербицидларини яқка ҳамда биргаликда комплекс қўллашнинг таъсирларининг илмий асослари ёритилган.

Бобнинг «Тоғ қияликларига ёпиқ илдиз тизимида экилган кўчатларнинг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсири» бўлимида ғарбий ва жанубий қияликларда ИТЁ кўчатларининг ўсиб ривожланишига минерал ўғит меъёрлари таъсирлари ўрганилган. Тадқиқотда ғарбий қияликда қрим қарағайнинг биометрик кўрсаткичлари ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланган.

Минерал ўғит меъёрлари ўғит қарағай кўчатларининг тана йўғонлигининг ўсишига бир-хил таъсирни кўрсатиши аниқланиб, вегетация якунида тана йўғонлиги мос ҳолда 1,9-2,0 см ни, жами уч йилда 2,8-2,9 см ни ташкил этди. Бу эса назорат вариантга нисбатан кўчатлар тана йўғонлигига ўсишини 1,7-1,8 баробарга (172-181%)га ошириши аниқланди.

Жанубий қияликда қрим қарағайи кўчатларининг йиллик бўйига ўсиш кўрсаткичи тажрибанинг иккинчи (2016 й) йилига ўғит меъёрларини қўллаб экилган вариантларда нисбатан 1,3 баробарга жадаллашаши аниқланди (3-жадвал). Тажрибанинг учинчи йилида бўйига ўсиши бўйича юқори натижа ўғитнинг N<sub>120</sub>P<sub>180</sub>K<sub>90</sub> оширилган меъёрида аниқланиб, кўчатлар бўйи 106 см ташкил этиб, бу эса ўғитнинг N<sub>90</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> кам меъёрига нисбатан 1,2 баробарга (124%), назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 1,5 баробарга (154%) устун натижани қайд этди.

Ғарбий қияликда эман кўчатларининг ўсиб-ривожланишига минерал

ўғитнинг ҳар иккала  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ҳамда  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрлари кўчатларнинг йиллик бўйига ўсиши бир хил таъсир кўрсатиб, кўчатларнинг бўйига ўсишини мос равишда 93,3-99,3 см ни таъминлаб, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 1,5-1,6 баробарга (149-158%) ошириши аниқланди.

Жанубий қияликда эман кўчатларнинг бўйига энг жадал ўсиш минерал ўғитнинг ҳар иккала  $N_{90}P_{90}K_{60}$  ҳамда  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрларида аниқланиб, кўчатларнинг бўйига йиллик ўсиши мос равишда 81,4-88,8 см, тана йўғонлиги эса 0,7 см ни ташкил этди. Бу эса ўғитсиз-назорат вариантга нисбатан 18,5-25,9% га юқори натижани кўрсатди.

Ғарбий қияликда дўлана кўчатига маъдандли ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) деярли бир хил таъсир кўрсатиб, тажрибанинг учинчи йилида кўчатларнинг бўйига ўсишини мос равишда 157-163,6 см (вариантлар ўртасидаги фарқ 6,6%), тана йўғонлигининг ўсиши эса мос равишда 2,4-2,6 см ни ташкил этиб, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 61-67% га устун натижани таъминлаши аниқланди.

Жанубий қияликда эса дўлана кўчатларининг баландликка жадал ўсиши бўйича энг юқори натижа ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрида аниқланиб, кўчатларнинг уч йиллик ўсишини 201,2 см га, тана йўғонлигини эса 2,6 см таъминлаб, ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан бўйига ўсишини 2,0 баробарга (19,8%) тана йўғонлигини эса 2,3 баробарга (123%), назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса бўйига ўсишини 1,9 баробарга тана йўғонлигини эса 1,3 баробарга (136%) юқори устун натижа қайд этилди.

Ғарбий қияликда олма кўчатларининг ўсишига минерал ўғитнинг учунчи йилида кўчатларнинг бўйига ўсиши 185,1 см, тана йўғонлиги эса 2,4 см ни ташкил этиб, ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан бўйига ўсишини 1,2 баробарга, тана йўғонлигига ўсишини эса 1,2 баробарга (120%), назорат ўғитсиз вариантга нисбатан эса бўйига ўсишини 1,3 баробарга (129%), тана йўғонлигига ўсишини эса 1,5 баробарга (150%) ошириши аниқланди.

Жанубий қияликда ҳам олма кўчатининг ўсиб-ривожланишига энг юқори натижа ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  оширилган меъёрида аниқланиб, кўчатларнинг бўйига уч йиллик ўсишини 251,7 см ни, тана йўғонлигини эса 2,8 см ни ташкил этди. Бу эса ўғитнинг кам  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан кўчатларнинг бўйига ўсишини 1,1 баробарга (112%), тана йўғонлигига ўсишини 1,7 баробарга, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса бўйига ўсишини 1,7 баробар (178%), тана йўғонлигига ўсишини эса 1,4 баробарга (147%) ошириши аниқланди.

Бобнинг «Тоғ қияликларида минерал ўғит, гербицид ва нам сақловчи гидрогелларни комплекс қўллашнинг тупроқ намлиги ва кўчатларнинг ўсишига таъсири» бўлимида ғарбий ва жанубий қияликларда ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни ўсишини жадаллаштиришда минерал ўғит, гербицид ва нам сақловчи гидрогелларни комплекс қўллаш таъсирлари ўрганилган.

Натижада, ғарбий қияликда минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёри, “КМЦ-0,2%” ҳамда “Ураган-форте” гербицидини (1200 мл/га) биргаликда комплекс қўллаш тупроқнинг 50-75 см қатламидаги намликни ёз ойида назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 4,69-4,57% га, минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёри, Полиmeliорант ҳамда “Ураган-форте” гербицидини (1200 мл/га) биргаликда комплекс қўллашда эса тупроқ намлиги 3,65-2,94% ошириб сақлаши ҳисобига

дўлана ва олма кўчатларининг йиллик ўсшини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 465-643% (13,5 см) га, Полиmeliорант гидрогелини алоҳида қўллашга нисбатан 360-556% га, “КМЦ-0,2%” гидрогелини алоҳида қўллашга нисбатан 380-556% га, “Ураган форте” гербицидини алоҳида қўллашга нисбатан эса 122-354% га ошириши аниқланди.

Бобнинг «Ғарбий ва Жанубий қияликларда ёпиқ илдиз тизимида экилган кўчатларнинг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) тезлигига минерал ўғит меъёрларининг таъсири» бўлимида тоғ қияликларига экилган ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларининг ўрмон билан қопланиш (жипслашиш) тезлигига минерал ўғит меъёрлари таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотлардан аниқландики, ғарбий қияликда синалган ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари ( $N_{90}P_{90}K_{60}$   $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) қрим карағайи кўчатларининг ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга бўлган баландликни (130,1-138,7см) мос равишда тажрибанинг тажрибанинг тўртинчи йилида (2018), жанубий қияликда эса (117-123 см) мос равишда бешинчи йилида (2019 й) ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашишини эса ғарбий қияликда мос равишда (107,1-109,7 см) тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида, жанубий қияликда эса (96-100,5 см) тажрибанинг тўртинчи (2018 й) таъминлаши аниқланди.


Бу эса назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан кўчатлар ўсишини мос равишда 4-5 йилга, ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашишини эса 4-5 йилга жадаллашишига имкон яратди (3,5-расмлар).

Ғарбий ва жанубий қияликларда эман кўчатларининг бўйига ўсиши ҳамда ён шох-шаббаларининг ўсишига минерал ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари мос равишда бир хил таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ғарбий қияликда ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга бўлган баландликни мос равишда (95,6-112,9 см) саккизинчи (2022 й) йилида таъминлаган бўлса, жанубий қияликда (111,7-117,8 см), кўчатларининг ён шох-шаббаларининг жипслашишини эса ғарбий қияликда тажрибанинг тўртинчи йилида (2018 й), жанубий қияликда эса тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида таъминлаши аниқланди. Бу эса назорат вариантга нисбатан кўчатларнинг бўйига ўсишини ғарбий қияликда 1-3 йилга, ён шох-шаббаларнинг тўлиқ жипслашишини 4 йилга эртароқ таъминлади (4,6 расмлар).


Дўлана кўчатларининг бўйига ҳамда ён шох-шаббаларининг ўсишига минерал ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари мос равишда ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) бир хил таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ғарбий қияликда кўчатларнинг ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга бўлган баландликни мос равишда (119-119,5 см) тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида таъминланган бўлса, жанубий қияликда эса (117-129,9 см) тажрибанинг учунчи (2017 й, икки йил олдин) йилида, ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашиши (53-59,8 см) ғарбий қияликда тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида, жанубий қияликда эса (98,8-105,5 см) тажрибанинг олтинчи (2020 й) йилида таъминлаб, назорат вариантга нисбатан ён-шох-шаббаларининг жипслашишини эса 1-3 йилга жадаллаштирди.

Ғарбий ва жанубий қияликларда олма кўчатларнинг ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга бўлган баландликни минерал ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари мос равишда ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) (124,6; 132-136,7; см) тажрибанинг учунчи (2017 й) йилида таъминлаши аниқланди. Бу эса назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга


баландликни ғарбий қияликда 5 йил, жанубий қияликда эса 4 йил олдин таъминлади.




**3-расм.** Ғарбий қияликда қрим қарағай кўчатларининг шох-шаббасининг ўсиш динамикаси, см



**4-расм.** Ғарбий қияликда эман кўчатларининг шох-шаббасининг ўсиш динамикаси, см



**5-расм.** Жанубий қияликда қрим қарағай кўчатларининг шох-шаббасининг ўсиш динамикаси, см



**6-расм.** Жанубий қияликда эман кўчатларининг шох-шаббасининг ўсиш динамикаси, см

Маъданли ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) олма кўчатларининг ён шох-шаббаларининг ўсишига бир хил таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда ғарбий қияликда ушбу вариантда кўчатлар ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашиши (72,7-76,9 см) мос равишда тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида, жанубий қияликда эса (91,4-93,9 см) мос равишда еттинчи (2021) йилида кузатилиб, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан ён шох-шаббалар жипслашишини ғарбий қияликда 4 йилга, жанубий қияликда эса 2 йилга жадаллаштирди.

«Ғарбий Тянь-Шань тоғ тизмасида ёпиқ илдиз тизимли кўчатлардан маданий ўрмон барпо этишнинг иқтисодий ва экологик самарадорлиги» деб номланган олтинчи бобида ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларидан ўрмон барпо этиш усулларининг иқтисодий ва экологик самарадорлиги таҳлили келтирилган. Бунда, ҳисоб технологик хариталарга асосан анъанавий усулда (илдиз тизими очик) 1,0 га майдонда маданий ўрмон барпо этиш учун сарфланган ҳаражатлар миқдори 26 082,0 минг сўмни, ёпиқ илдиз тизимли усулда эса 20 359,0 минг сўмни ташкил этиб, бу эса ҳар бир гектардан сарф ҳаражатлар миқдорини **5 723,0** минг сум гача иқтисод қилиши, рентабелликни 28,0% гача ошириши ҳамда минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрини қўллаш орқали дарахтларнинг шох-шаббаларининг қопланишини (жипслашиш) 3-4 йилга жадаллаштириши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини (қрим қарағай, оддий эман, Корольков дўланаси ва Сиверс олма) етиштиришда ҳажми 15x20 см (1400 см<sup>3</sup>) га тенг «Zip-lock» полиэтелен контейнерни ҳамда 55% тупроқ, 30% қўй гўнги ва 15% дарё куми аралашмасидан тайёрланган тупроқ субстрати контейнер идишларнинг таг ва ён четларидан ўқ ҳамда ён илдизлари чиқиб кетишига имкон бермайди ва кўчатлар кўкарувчанлигини 85-95% гача ошириш мумкин.

2. Ҳажми 15x20 см га (1400 см<sup>3</sup>) тенг «Zip-lock» полиэтелен контейнер идишларда етиштирилган дарахт кўчатларни суғоришда ёмғирлатиб суғориш усулини қўллаш сув сарфини эгатлаб суғориш усулига нисбатан (кўчат турига қараб) гектарига 2200 м<sup>3</sup> дан 2400 м<sup>3</sup> гача иқтисод қилиш имкониятини яратади.

3. Ҳажми 15x20 см га тенг “Zip-lock” полиэтиленли ҳамда 18x25 см синтетик қалтачали ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда маҳаллий тупроқ озика субстратини қўллаб экилган кумушранг заранг уруғларининг унувчанлиги анъанавий усулга (кўчатхонада экилган) нисбатан 1,0-1,1 баробарга (7,0-9,0% га), кўчатлар ўсишини эса 1,4-1,5 баробарга (141-156 % га) оширади.

4. Ғарбий ва Жанубий тоғ қияликларда ёпиқ илдиз тизимли кўчатларни экишда чуқурчали (20 см пастга) ҳамда тупроқларга “КМЦ” гидрогелининг 0,2% куруқ (50-55 г) меъёрини қўллаш ғарбий қияликда тупроқнинг 35-50 см қатламидаги намликни ёз ойларида (июн, июл, август) назорат вариантга нисбатан 7-8% га, жанубий қияликда эса 3-4% га ошириш ҳисобига кўчатлар кўкарувчанлигини ғарбий қияликда мос равишда 80-88% ни, жанубий қияликда мос равишда 60-83% кўкарувчанликни таъминлайди.

5. ИТЁ кўчатларни май ойининг биринчи декадасигача кечиктириб экишда кўчатларни экишнинг чуқурчали (20 см пастга) усули кўчатлар кўкарувчанлигига ижобий таъсир кўрсатиб, ғарбий қияликда кўчатлар кўкарувчанлигини ўртача 77-93%, жанубий қияликда эса 16-39% да таъминлайди.

6. Ғарбий қияликда минерал ўғит ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрларини қўллаш июн ойида тупроқнинг кўчат илдизи жойлашган 50-75 см қатламдаги тупроқ намлигини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан мос равишда 1,58-3,09% га, июл ойида эса 2,72-4,19%га юқори сақлайди.

7. Минерал ўғитларни қўллаш: - ғарбий қияликда қрим қарағайида ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрини қўллаш кўчатларнинг йиллик ўсишини минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан 1,2 баробарга (128%), назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 2,2 баробарга (223%) оширади;

- минерал ўғитнинг ҳар иккала ( $N_{90}P_{90}K_{60}$  ва  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) меъёрлари эман кўчатларининг ўсишига бир хил таъсир кўрсатиб, кўчатларнинг уч йиллик ўсиши мос равишда 93,3-99,3 см, тана йўғонлиги эса 2,0 см ни ташкил этади ва назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса ўсишини 1,4-1,5 баробарга (149-158%) жадаллаштиради;

- дўлана кўчатнинг бўйига ўсишига минерал ўғитнинг ҳар иккала ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) меъёрлари бир хил таъсир кўрсатиб, кўчатларнинг бўйига ўсиш кўрсаткичини мос равишда 157-163,6 см, тана йўғонлиги эса 2,4-

2,6 см ни ташкил этади ва назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса ўсишини 1,8 баробарга оширади;

- олма кўчатининг ўсиб-ривожланишига асосан минерал ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёри юқори таъсир кўрсатиб, кўчатларнинг бўйига ўсишини  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан 1,3 баробарга (129%), назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 1,4 баробар (142%)га жадаллаштирди.

8. Жанубий қияликда қўлланилган минерал ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрлари ёз ойларида тупроқнинг кўчат илдизи жойлашган 50-75 см қатламидаги тупроқ намлигини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 2,0-3,15% га ошириш ҳисобига: - қрим қарайининг йиллик бўйига ўсишини 106 смга, тана йўғонлигига ўсишини 2,7 смга таъминлаб, ўғитнинг кам  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан 1,2 баробарга (124%), назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 1,5 баробарга (154%) оширади;

- эман кўчатлари минерал ўғитларнинг ҳар иккала ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) меъёрларига бир хил таъсирда бўлиб, кўчатларнинг бўйига ўсишини мос равишда 81,4-88,8 см таъминлайди ва назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса ўсиш кўрсаткичини 2,0 баробарга (198%) жадаллаштиради;

- дўлана кўчатининг жадал ўсиб-ривожланишига минерал ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёри ижобий таъсир кўрсатиб, кўчатларнинг бўйига ўсишини кўрсаткичини  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан 1,1 баробарга, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 2,0 баробарга (202%) оширади;

-олма кўчатининг жадал ўсишини минерал ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёри таъминлаб, ушбу вариантда кўчатларнинг уч йиллик бўйига ўсиш кўрсаткичини 251,7 см, тана йўғонлиги ўсишини эса 2,8 см ташкил этади ва бу эса минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрига нисбатан 1,2 баробар (125%) га, назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан эса 1,8 баробарга (178%) устунлигини таъминлайди.

9. Ғарбий қияликда минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёри, “КМЦ-0,2%” ҳамда “Ураган-форте” гербицидини (1200 мл/га) биргаликда комплекс қўллаш тупроқнинг 50-75 см қатламидаги намликни ёз ойида 4,69-4,57% гача ошириб сақлаш ҳисобига дўлана ва олма кўчатларининг йиллик ўсшини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 465-643% (13,5 см) га, Полимелиорант гидрогелини алоҳида қўллашга нисбатан 360-556% га, “КМЦ-0,2%” гидрогелини алоҳида қўллашга нисбата 380-556% га, “Ураган форте” гербицидини алоҳида қўллашга нисбатан эса 122-354% га га оширади.

10. Ғарбий қияликда ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари ( $N_{90}P_{90}K_{60}$   $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) қрим қарағайи кўчатларининг шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашишини мос равишда (107,1-109,7 см) тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида, жанубий қияликда эса (96-100,5 см) таъминлаб, ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашиш муддатини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 4-5 йилга йилга жадаллаштиради.

11. Ғарбий қияликда минерал ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари эман кўчатларининг ён шох-шаббаларининг жипслашишини тажрибанинг тўртинчи йилида (2018 й), жанубий қияликда эса тажрибанинг бешинчи (2019 й) йилида таъминлаб, ўрмон билан қопланиш муддатини назорат-ўғитсиз вариантга нисбатан 1-3 йилга йилга жадаллаштиради.

12. Минерал ўғитнинг ҳар иккала меъёрлари ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$ ) Корольков дўланаси кўчатларининг ён шох-шаббаларининг тўлиқ жипслашишини (53-59,8 см) ғарбий қияликда тажрибанинг бешинчи (2019 й)

йилида, жанубий қияликда эса (98,8-105,5 см) тажрибанинг олтинчи (2020 й) йилида таъминлаб, ўрмон билан қопланиш муддатини назорат вариантга нисбатан 1-3 йилга жадаллаштиради.

13. Сиверс олма кўчатининг ғарбий қияликда кўчатларнинг ихота вазифасини бажариш хусусиятига эга бўлган баландликни (124,6 см) минерал ўғитнинг  $N_{120}P_{180}K_{90}$  тажрибанинг учинчи (2017 й) йилида, жанубий қияликда эса (132-136,7 см) минерал ўғитнинг мос равишда ( $N_{90}P_{90}K_{60}$ ,  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрларида тажрибанинг учинчи (2017 й) йилида, ён шох-шаббалар жипслашиш муддатини эса ғарбий қияликда 4 йилга, жанубий қияликда эса 2 йилга жадаллаштиради.

14. Тоғ қияликларида ёпиқ илдиз тизимли (контейнер) кўчатлар ёрдамида ўрмон барпо этишнинг иқтисодий самарадорлиги гектарига 5 723,0 минг сўмни, рентабеллик кўрсаткичи эса 28,0 % ни ташкил этади.

15. Тоғли минтақалардаги ўрмон хўжаликларида кўчатхона шароитида ёпиқ илдиз тизимли дарахт кўчатларини етиштириш ва улардан маданий ўрмонзорлар барпо этишда қўйидагилар тавсия этилади:

- тоғ қияликларида асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахт кўчатлари, хусусан, қрим қарағайи, оддий эман, дўлана, Сиверс олма кўчатларини етиштиришда ҳажми 15х20 см га ( $1400 \text{ см}^3$ ) тенг “Zip-Lock” полиэтиленли контейнер идиш ҳамда 55% оддий тупрок, 30% қўй гўнги, 15% дарё куми) аралашмасидан фойдаланиш;

“Zip-Lock” полиэтиленли контейнерларда етиштирилган барча дарахт кўчатларини 1 м<sup>2</sup> майдонга 20-30 л миқдорда, гектар ҳисобида тупрок намлигини чегаравий дала нам сиғимлиги (ЧДНС- 23%) нисбатан 60-65-70% сақлаган ҳолда баҳор (март-май) ойларида 150-160 м<sup>3</sup>, ёз ойларида (июн-август) эса 250-350 м<sup>3</sup>, вегетация мобайнида жами 2200-2400 м<sup>3</sup> сарф меъёрида ёмғирлатиб суғориш;

- денгиз сатҳидан 1200-1500 метр баландликдаги тоғ қияликларида зинопояли терраса майдончасида ёпиқ илдиз тизимли кўчатлар илдиз буғзини ер сатҳидан 20 см пастка чуқур жойлаштириб ҳамда тупроқларда нам сақловчи “КМЦ” гидрогелининг 0,2% (хар бир туп тагига 50-55 г) меъёрини қўллаб экиш;

- тоғ қияликларига экилган қрим қарағайи, эман, дўлана кўчатларининг ўсиши ва ўрмон билан қопланишини жадаллаштириш учун эрта баҳор ойида (март-апрел) минерал ўғитнинг  $N_{90}P_{90}K_{60}$  меъёрини 1 маротаба, Сиверс олма кўчатига эса  $N_{120}P_{180}K_{90}$  меъёрини яқка ҳолда ёки  $N_{90}P_{90}K_{60}$  “КМЦ” гидрогелининг 0,2% (50-55 г) ҳамда Ураган-форте” гербицидининг гектарига 1200 мл меъёрларини биргаликда бир маротаба комплекс қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.09.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

**МАМУТОВ БАХРАМ ХОЖАНИЯЗОВИЧ**

**ЛЕСОВОДСТВЕННО-ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОЗДАНИЯ  
ЛЕСНЫХ КУЛЬТУР ПОСАДОЧНЫМ МАТЕРИАЛОМ С ЗАКРЫТОЙ  
КОРНЕВОЙ СИСТЕМОЙ В ЗАПАДНОМ ТЯНЬ-ШАНЕ  
(На территории Узбекистана)**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.  
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2024**

Тема диссертации доктора наук (DSc) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за номером B2023.3.DSc/Qx276.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный консультант:	Бердиев Эркин Турдалиевич доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Кайимов Абдухалил доктор сельскохозяйственных наук, профессор Каримов Фарход Исамиддинович доктор биологических наук, старший научный сотрудник Мисирова Сурайё Абдумугаловна доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	Агентство лесного хозяйства при Министерстве экологии и охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится 23 декабря 2024 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+9971) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 551952). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 11 декабря 2024 года.

(реестр протокола рассылки номер 46 от 25 ноября 2024 года).



Ш.И.Асатов  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.-х.н., профессор

М.З.Холмуротов  
учёный секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.с.-х.н., доцент

С.А.Юнусов  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации Объединенных Наций (ФАО) до сегодняшнего дня общая площадь лесов в мире сократилась на 178 млн.га (в 2,0 раза за последние 200 лет), что занимает площадь, равную всей территории государства Ливии. “Ежегодно более 100 млн.га лесов страдают от различных стихийных бедствий, в частности, от лесных пожаров, воздействия вредных организмов и неблагоприятных климатических условий”<sup>16</sup>. “Леса Азербайджана, Казахстана, Туркменистана и Узбекистана являются сильно деградированными”<sup>2</sup>. Остаётся актуальным вопрос совершенствования работ по восстановлению этих лесов.

В настоящее время в ряде стран мира, таких как Германия, Норвегия, Япония, Корея, России, Финляндия, Латвия, Канада, Китай разработаны и внедрены технологии выращивания в современных ячеистых кассетах, торфяных брикетах, торфяных блоках и гранулированных капсулах для создания из них лесных культур в разных условиях и организовано их широкое внедрение в производство. В результате 65-70% доли производимого посадочного материала в производственных секторах приходится на данные технологии и приживаемость высаживаемых лесных саженцев на этой основе увеличивается до 80-85%.

В республике обширные научные исследования по интенсивному размножению и выращиванию саженцев древесных пород и созданию промышленных плантации в богарных горных и предгорных условиях проводились, в частности, в орехплодовых (фисташка, миндаль и орех грецкий) культурах. Однако не достаточно разработаны инновационные технологий выращивания посадочных материалов с закрытой корневой системой основных лесообразующих хвойных и лиственных пород и способы создания из них лесных культур в склонах гор. В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы 81 целях в качестве приоритетных задач определены: «...расширение площади лесов в республике и эффективное использование земель лесного фонда». В связи с этим выращивание саженцев древесных пород и расширение площади лесов в горных и предгорных условиях на основе научного подхода является решаемым и актуальным вопросом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указе Президента Узбекистан Ш.М.Мирзиёева от 23 ноября 2023 года № УП-199 «О мерах по обеспечению экологической устойчивости путем дальнейшего повышения уровня озеленения в республике и последовательной реализации общенационального проекта «Яшил макон»»<sup>3</sup> и в Постановлении ПП - 4850 от 6 октября 2020

1. Краткий обзор состояние лесов мира. Леса, биоразнообразие и люди. Продовольственная и сельскохозяйственная организация Объединенных Наций (ООН), 2020 й.

2. Восстановление лесных ландшафтов на Кавказе и в Центральной Азии. Вызовы и возможности. Справочный материал для заседания Круглого стола министров по восстановлению лесных ландшафтов на Кавказе и Центральной Азии (21-22 июня 2018 г, г. Астана).

3. <https://lex.uz/docs/5841063>

года «Об утверждении концепции развития системы лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года»<sup>7</sup> и других нормативно-правовых документах данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики в разделе V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Исследования по разработке технологий выращивания лесных саженцев с закрытой корневой системой и создания из них на разных географических условиях искусственных лесных культур проводятся в ряд мировых научных центрах и учебных заведениях, таких как Белорусский технологический университет, Финдский институт лесного хозяйства (Metla), Университет прикладных наук (Тампере, Финляндия), Лесной селекционно-семеноводческий центр (Татарстан, Россия), Институт леса имени В.Н.Сукачева (Россия), National Institute of Forest Science (Корея), University of Wageningen (WUR, Норвегия), University of Agricultural Cultures (Швеция), Technische universitat Dresden (Германия), Chinese Academy of Forestry (Китай), Forestry and Forest Product Research Institute (Япония), Forest Research Institute Malaysia (FRIM, Малайзия), Казахский научно-исследовательский институт лесного хозяйства и агролесомелиорации им А.Н.Букейхана (Казахстан).

